

“ _____ ” пахта-тўқимачилик кластери
фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида
БИТИМ

20__ йил “__” _____ -сон _____

Жойларда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида:

бир тарафдан – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (бундан буён – “Вазирлик”) номидан _____ (Ф.И.Ш.);

иккинчи тарафдан “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси (бундан буён – “Уюшма”) номидан _____ (Ф.И.Ш.);

учинчи тарафдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, _____ вилояти ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимлик”) номидан _____ (Ф.И.Ш.);

тўртинчи тарафдан _____ пахта тўқимачилик кластери (бундан буён – “Кластер”) номидан _____ (Ф.И.Ш.) биргаликда “тарафлар” ушбу битимни қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. Битимнинг предмети

1.1. Ушбу битим Қорақалпоғистон Республикаси (_____ вилояти) _____ туманида пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини самарали ташкил этиш, пахта-тўқимачилик кластери ва тарафларнинг муносабатларини тартибга солиши.

II. Кластер шакли

2.1. **Биринчи** шакли – қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш.

2.2. **Иккинчи** шакли – қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш ҳамда пахта хом ашёси етиштирувчилардан шартнома асосида пахта хом ашёсини сотиб олиш.

2.3. **Учинчи** шакли – қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олмасдан пахта хом ашёсини шартнома асосида фермер хўжаликлари ва бошқа пахта хом ашёси етиштирувчи хўжалик субъектларидан (бундан буён – пахта хом ашёси етиштирувчилар) сотиб олиш.

(кластернинг шакли бўйича кераклисига белги қўйилади).

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. “Вазирлик”нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. “Кластер”дан бизнес-режа ва инвестиция лойиҳаларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни олиш;

3.1.2. “Уюшма” ҳамда “Ҳокимлик” билан биргаликда “Кластер” томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мажбуриятлари, шунингдек шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши ва пахта-тўқимачилик кластери фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан бир йилда камида бир марта мониторинг ўтказиш;

3.1.3. “Кластер”нинг бизнес-режа, ушбу битим ижроси ҳамда бошқа кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

3.1.4. битимни бекор қилиш тўғрисида “Уюшма” ҳамда “Ҳокимлик” томонидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда битимни бекор қилиш тўғрисида

асослантирилган таклифларни Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика комиссияси киритиш.

3.2. “Вазирлик”нинг мажбуриятлари:

3.2.1. битимда назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

3.2.2. ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича “Кластер”га маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатиш;

3.2.3. агар “Кластер”нинг хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ушбу Битим шартларига зид келмаса, унинг фаолиятига аралашмаслик;

3.2.4. пахта-тўқимачилик кластерига имтиёзли ва тижорат кредитлари, шунингдек, субсидия ва компенсациялар берилишига кўмаклашиш;

3.2.5. пахта-тўқимачилик кластерининг пахта хом ашёси етиштирувчилар билан боғлиқ муносабатларини барқарорлаштиришга кўмаклашиш;

3.2.6. пахта-тўқимачилик кластери ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш.

3.3. “Уюшма”нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. “Кластер”дан бизнес-режа ва инвестиция лойиҳаларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни олиш;

3.3.2. тарафлар билан биргаликда “Кластер” томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мажбуриятлари, шунингдек шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши ва пахта-тўқимачилик кластери фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан бир йилда камида бир марта мониторинг ўтказиш;

3.3.3. “Кластер”нинг бизнес-режа, ушбу битим ижроси ҳамда бошқа кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

3.3.4. таҳлилий маълумотлар асосида соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан “Вазирлик” билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

3.3.5. битимни бекор қилиш тўғрисидаги асослантирилган таклифларни “Ҳокимлик” билан келишилган ҳолда кўриб чиқиш учун “Вазирлик”ка киритиш.

3.4. “Уюшма”нинг мажбуриятлари:

3.4.1. битимда назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

3.4.2. пахта-тўқимачилик кластерининг пахта хом ашёси етиштирувчилар билан боғлиқ муносабатларини барқарорлаштиришга кўмаклашиш;

3.4.3. пахта-тўқимачилик кластери ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш;

3.4.4. ички ва ташқи бозорларда талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда маркетинг тадқиқотларидан келиб чиқиб, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш;

3.4.5. давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда “Кластер”нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

3.4.6. “Кластер”лар ўртасида бир йилда камида бир маротаба илмий-тадқиқот, инжиниринг, логистика, консалтинг, сертификатлаштириш органлари, йирик қайта ишлаш корхоналари, енгил саноат, йиғиш заводлари, технопарк ва етказиб берувчилар вакиллари ҳамда бошқа потенциал ҳамкорларни жалаб этган ҳолда учрашувлар, музокаралар, конференцияларни ташкил этиш;

3.4.7. “Кластер” фаолиятига халқаро стандартлар ва сертификатларни олишда кўмаклашиш.

3.5. “Ҳокимлик”нинг ҳуқуқлари:

3.5.1. “Кластер”дан бизнес-режа ва инвестиция лойиҳаларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни олиш;

3.5.2. тарафлар билан биргаликда “Кластер” томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мажбуриятлари, шунингдек шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши ва пахта-тўқимачилик кластери фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан бир йилда камида бир марта мониторинг ўтказиш;

3.5.3. таҳлилий маълумотлар асосида соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан “Вазирлик” ҳамда “Уюшма” билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

3.5.4. битимни бекор қилиш тўғрисидаги асослантирилган таклифларни “Уюшма” билан келишилган ҳолда кўриб чиқиш учун “Вазирлик”ка киритиш.

3.6. “Ҳокимлик”нинг мажбуриятлари:

3.6.1. битимда назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

3.6.2. ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича “Кластер”га маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатиш;

3.6.3. агар “Кластер”нинг хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ушбу Битим шартларига зид келмаса, унинг фаолиятига аралашмаслик;

3.6.4. ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш мақсадида хўжаликлараро ирригация ва мелиорация иншоотларини капитал таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга оширишда кўмаклашиш;

3.6.5. “Кластер” мазкур битимнинг 2.1 ва 2.2-бандлари талаби бўйича ташкил этилган тақдирда у билан уч иш кунда ер ижараси шартномасини тузиш;

3.6.6. “Кластер”нинг ишлаб чиқариш объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишига кўмаклашиш;

3.6.7. “Кластер”га имтиёзли ва тижорат кредитлари, шунингдек, субсидия ва компенсациялар берилишига кўмаклашиш;

3.6.8. “Кластер”нинг пахта хом ашёси етиштирувчилар билан боғлиқ муносабатларини барқарорлаштиришга кўмаклашиш;

3.6.9. “Кластер” ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш;

3.6.10. “Кластер” раҳбари ва ходимларини стажировкадан ўтказиш, уларни соҳага тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш.

3.7. “Кластер”нинг ҳуқуқлари:

3.7.1. “Кластер” ўз фаолиятини юритишда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини, тижорат банкларидан оладиган кредитларни, ўзининг тасарруфидаги кўчмас мулк объектларини, техника воситалари ва ишлаб чиқариш технологиялари асбоб ва ускуналарини суғурталашда мустақил равишда хоҳлаган суғурта ташкилоти хизматларидан фойдаланиб амалга ошириш;

3.7.2. зарурат бўлганда, агротехнологик харитага ўзгартиришлар киритиш;

3.7.3. ғўза навлари уруғлик чигитларини мустақил равишда ишлаб чиқариш;

3.7.4. сув ресурсларини ўз вақтида етказиб беришни мутасадди ташкилотлардан талаб қилиш;

3.7.5. етиштирилган пахта хом ашёсидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эркин тасарруф этиш;

3.7.6. ишлаб чиқарилган пахта толасининг ўз ишлаб чиқариш қувватлари эҳтиёжидан ортиқ қисмини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш;

3.7.8. пахта хом ашёсидан олинадиган чигит ва бошқа маҳсулотларни мустақил равишда қайта ишлаш ёки уларни, шу жумладан қайта ишланган маҳсулотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш.

3.7.9. “Кластер” мазкур битимнинг 2.1 ва 2.2-бандларида белгиланган шаклда ташкил этилган тақдирда уч иш кунда тегишли ҳокимлик билан ер ижараси шартномасини тузиш;

Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олган ҳолда ташкил этилган “кластер” қуйидаги қўшимча ҳуқуқларга эга:

3.7.10. ғўза навларини мустақил жойлаштириш;

3.7.11. ажратилган ер участкаларида алмашлаб экишни жорий этган ҳолда, ушбу ерларнинг контурларини тузиш;

3.7.12. тасдиқланган агротехнологик харитадаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун имтиёзли молиявий ресурслардан фойдаланиш;

3.7.13. минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини импорт қилиш;

3.7.14. қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бозор тамойилларига асосланган кластер–фермер, кластер–деҳқон хўжалиги, кластер–оилабай пудрат ва қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

3.7.15. ўзига бириктирилган ер участкаларини шартномага асосан юридик ва жисмоний шахсларга бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижара асосида бериш.

Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага олмасдан ташкил этилган “кластер” қуйидаги қўшимча ҳуқуқларга эга:

3.7.17. ўзи фаолият юритаётган ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, бўшаган ер участкасини қайта ижарага беришда тенг шароитларда устунлик ҳуқуқидан фойдаланиш;

3.7.18. пахта хом ашёси етиштирувчиларга ғўза навларини жойлаштириш бўйича тавсия бериш;

3.7.19. пахта хом ашёси етиштирувчилардан тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилиш;

3.7.20. пахта хом ашёси етиштирувчиларга янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа зарур товарларни харид қилиш ва технологияларни жорий қилишда қўмаклашиш;

3.7.21. пахта хом ашёси етиштириш учун ер участкасини, шу жумладан қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ер участкасини ижара шартномаси асосида ажратиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш;

3.7.22. пахтадан юқори ҳосил олган пахта хом ашёси етиштирувчиларни рағбатлантириш;

3.7.23. амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш.

3.8. “Кластер”нинг мажбуриятлари:

3.8.1. бизнес-режа ва битим параметрларига риоя қилиш ҳамда бир йилда камида бир марта ҳисоботларни “Вазирлик”ка, “Уюшма”га ҳамда “Ҳокимлик”ка тақдим этиш;

3.8.2. ажратилган имтиёзли молиявий ресурслардан тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ мақсадли фойдаланиш;

3.8.3. пахта хом ашёси етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини, шу жумладан кооперация асосида ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш;

3.8.4. рақамли ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

3.8.5. “Уюшма” билан “Кластер” ўртасида тузилган аъзолик шартномалари доирасида олинган мажбуриятни бажариш ҳамда аъзолик бадалларини белгиланган муддатларда тўлаб бориш;

3.8.6. мазкур битимнинг 4.1 ва 4.2-бандларида кўрсатилган “Кластер”нинг йиллар кесимида инвестициялар киритиш ва иш ўринларини яратиш ҳамда уларни амалга ошириш муддатларига риоя қилиш.

Ер участкаларини ижарага олган ҳолда ташкил этилган “кластер”нинг қўшимча мажбуриятлари:

3.8.7. пахта етиштиришда механизация даражасини ошириб бориш ҳамда сув тежайдиган замонавий суғориш технологияларини жорий этиш;

3.8.9. ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш, тупроқ таркибини лабораториядан ўтказиш;

3.8.10. ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, балл бонитетини доимий назорат қилиб бориш.

Ер участкаларини ижарага олмасдан ташкил этилган “кластер”нинг қўшимча мажбуриятлари:

3.8.11. ўзи фаолият юритаётган ҳудуддаги пахта хом ашёси етиштирувчилар билан пахта хом ашёсини сотиб олиш бўйича шартнома тузиш;

3.8.12. пахта хом ашёси етиштирувчилар билан тузилган шартнома талабларига қатъий риоя этиш;

3.8.13. пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича барча тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш ҳамда зарур товар ва материалларни етказиб бериш (агар шартномада пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластери томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлса);

3.8.14. пахта хом ашёси етиштирувчилар томонидан етиштирилган пахта хом ашёсини шартномада белгиланган нархларда сотиб олиш ва якуний ҳисоб-китобларни ҳосил йиғиб олинган йилнинг 31 декабрига қадар амалга ошириш.

IV. Инвестициялар киритиш ва иш ўринларини яратиш муддатлари

4.1. “Кластер” пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш қувватини янада ошириш учун депозитга қўйилган (*ер участкаси норматив қийматининг икки бараваридан ортиқ*) пул маблағи ҳисобига ҳар йили ___ фоизга мутаносиб равишда ошириб боради. Хусусан:

2022 йилда _____ минг сўм;

2023 йилда _____ минг сўм;

2024 йилда _____ минг сўм;

2025 йилда _____ минг сўм миқдорида инвестиция киритади.

4.2. “Кластер” пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш қувватини янада ошириш жараёнига мутаносиб равишда янги иш ўринларини яратади. Хусусан:

2022 йилда _____ нафарга;

2022 йилда _____ нафарга;

2022 йилда _____ нафарга;

2022 йилда _____ нафарга;

2022 йилда _____ нафарга ошириб боради.

V. “Кластер” фаолияти молиявий аудитини ўтказиш

5.1. “Кластер” аудиторлик ташкилоти билан тузилган шартномага асосан молиявий йил якунида “Кластер” молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади. Бунда, йиллик пахта хом ашёси ҳажми 30 минг тоннадан юқори бўлган пахта-тўқимачилик кластерларида халқаро аудиторлик ташкилотлари жалб қилади.

VI. Битимнинг бажарилиши ва бекор қилиниши

6.1. Тарафлар мазкур битимда назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши шарт.

6.2. Қўйидагилар битимни бекор қилишга (тўлиқ ёки муайян ҳудудга нисбатан) асос бўлади:

а) “Кластер” фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда бекор қилинганда;

б) битим тарафи бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тугатилиши;

в) битим тарафи бўлган тадбиркорлик субъектларининг битимни бекор қилиш бўйича Вазирликка, Уюшмага ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига мурожаатлари;

г) “Кластер” томонидан битимда назарда тутилган мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаганда (форс-мажор ҳолатлар ва (ёки) ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келадиган ҳолатлар бундан мустасно);

д) пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг учдан икки қисми пахта-тўқимачилик кластери томонидан шартнома муносабатларини уч йил давомида бажарилмай келганлигини асословчи ёзма мурожаатлари бўлганда;

е) битимни мазкур бандда ва битимнинг ўзида кўрсатилмаган бошқа асосларга кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди;

ё) мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда битимни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

ж) мазкур банднинг “г” ва “д” кичик хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда битимни бекор қилиш Вазирлик, Уюшма ҳамда тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг мурожаатларига асосан суд томонидан амалга оширилади.

6.3. Тарафлар мазкур битимда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга, ўзгартиришга ёки қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

6.4. Ушбу битимнинг 2.1 ва 2.2-бандлари талаблари асосида ташкил этилган “Кластер”нинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи Ер кодексида белгиланган тартибда бекор қилинади.

6.5. “Кластер” билан тузилган битим бекор қилинган тақдирда, “Вазирлик” томонидан уларнинг кластерлик фаолиятини тугатиш юзасидан бир ой муддатда тегишли ҳужжат лойиҳаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Фаолияти тугатилаётган “Кластер”га тугатилаётган йилдаги мавсум бўйича пахта ҳосилини тўлиқ йиғиб (сотиб) олишга руҳсат берилади.

VII. Битимнинг амал қилиши

7.1. Мазкур битим 30 йил (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ёки чет эл юридик шахси бўлган тақдирда 25 йил) амал қилади ва “Тарафлар” имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.

7.2. Бунда фаолият юритаётган “Кластер” битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин битимни янгилашда ушбу пахта-тўқимачилик кластери бошқа тенг шароитларда устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

VIII. “Тарафлар”нинг жавобгарлиги

8.1. Мазкур Битим бўйича “Тарафлар” зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

8.2. “Тарафлар” ушбу Битим бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли “Тарафлар”нинг бирига етказилган зарарни қонунчиликка мувофиқ қоплаш мажбуриятини олади. Давлат органи мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида “Кластерга” етказилган зарарни қоплаш суд қарори бўйича амалга оширилади.

8.3. “Кластер” ушбу Битимнинг 4.1-бандида назарда тутилган молиялаштириш таъминланмаслиги ёки ўз вақтида таъминланмаслиги ҳолатларида ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, бироқ бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 50% идан ошмаган миқдорда “Ҳокимлик”ка пеня тўлайди.

8.4. “Кластер” ушбу Битимнинг 4.2-бандида назарда тутилган янги иш ўринларини яратиш мажбуриятларини бажармаганда, “Кластер” “Ҳокимлик”ка ҳар ойда ушбу Битимнинг 4.2-бандида белгиланган меъърдан кам бўлган ҳар бир ишчи учун ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорда жарима тўлайди.

8.5. Пеня ва жарималарни тўлаш “Тарафлар”ни ушбу Битим бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

IX. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Тарафлар битим тузишда, битимнинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, битим билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар битимдаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф битим тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан битим билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар (откат) берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан битим доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан чоралар кўради.

9.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф битимни бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

X. Форс-мажор

10.1. “Тарафлар” ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар у олдини олиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда вазиятлар ва ушбу шароитларда муқаррар бўлган ҳолатлар оқибатида юзага келган бўлса: ташқи объектив омиллар (ҳарбий ҳаракатлар, эпидемиялар, иш ташлашлар, шартномага мувофиқ Томонларга юклатилган мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи суд жараёнларининг мавжудлиги, оқилона назорат қилинмайдиган бошқа ҳодисалар) таъсири натижасида табиий ҳодисалар (зилзилалар, сув тошқинлари ва ҳоказолар), агар ушбу ҳолатлар ушбу Битимнинг бажарилишига бевосита таъсир қилган бўлса, ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати мобайнида.

10.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган пайтдан бошлаб ушбу Битим бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай фавқулодда вазиятларнинг амал қилиш муддати мобайнида орқага сурилади.

10.3. Агар вазиятлар бир йилдан ортиқ вақт давом этадиган бўлса, “Тарафлар” ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва бошқа “Тараф”га етказилган зарарни камайтириш бўйича барча мумкин бўлган чораларни қўллаб, жарималар ва (ёки) пеняларни тўламасдан ушбу Битимни давом эттиришдан воз кечишга ҳақли.

10.4. “Тарафлар” фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш учун ҳар қандай саъй-ҳаракатларни амалга оширишлари керак.

XI. Низоларни ҳал этиш тартиби

11.1. “Тарафлар” ўзаро музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ушбу битимни бажариш билан боғлиқ юзага келган низоларни ҳал қилиш учун барча чораларни кўради, шу жумладан мақбул қарорга эришиши учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиниши лозим.

Башарти, “Тарафлар” ўзаро келишувга эришмаган тақдирда, мавжуд низоли ҳолатлар суд тартибида ҳал қилинади.

ХII. Яқуний қоидалар

12.1. Мазкур битимда ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда амалга оширилиши ва “Тарафлар”нинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Битим “Тарафлар”нинг ҳар бири учун бир нусхадан тўрт нусхада тузилиб, уларнинг барчаси тенг юридик кучга эга ҳисобланади.

ХIII. Тарафларнинг реквизитлари

<p align="center">Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</p> <p>Манзил: _____</p> <p>Банк реквизитлари: х/р: _____ МФО: _____ ИНН: _____</p> <p align="right">_____ (Ф.И.О)</p> <p align="right">_____ (имзо, муҳр)</p>		<p align="center">“Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси</p> <p>Манзил: _____</p> <p>Банк реквизитлари: х/р: _____ МФО: _____ ИНН: _____</p> <p align="right">_____ (Ф.И.О)</p> <p align="right">_____ (имзо, муҳр)</p>
<p align="center">_____ вилояти ҳокимлиги</p>		<p align="center">“ _____ ” Кластер</p>
<p>Манзил: _____</p> <p>Банк реквизитлари: х/р: _____ МФО: _____ ИНН: _____</p> <p align="right">_____ (Ф.И.О)</p> <p align="right">_____ (имзо, муҳр)</p>		<p>Манзил: _____</p> <p>Банк реквизитлари: х/р: _____ МФО: _____ ИНН: _____</p> <p align="right">_____ (Ф.И.О)</p> <p align="right">_____ (имзо, муҳр)</p>

Ҳуқуқшунос :

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)